

Коллежда ўқиб юрган кезларимизда, биз учта ўртоқ – тиришқок ўқувчиларнинг «учлиги» эдик. Бундай «учлик» лотинчадаги каби кучнинг уч марказда бўлиниши маъносида эмас, балки ўта сезувчанлик кобилиятининг уч кишида бўлинишини англатарди. Синфимизда режали сухбат, гипноз килиш, юз ифодасидан ичдаги гапни ўқиш каби одамни хайратга туширадиган «ноакадемик» таъкибларга кизиқиш ва бундай «хунарлар» билан шугулланиш авж олганди. Гарчи бу борада омадимиз чопавермаса-да, лекин сир бой бермай, хунаримизни кўрсатишда давом этаверардик. Худди қайта-қайта ҳаракат қилиб, Эверест Чўккисига чиқишни хоҳлаган, чунки «максади айнан ўша!» бўлган Маллорига ўхшаб, биз ҳам ана шунака гайриоддий хунарлардан бирини қойилмаком ижро этишни, акалли бир бора бўлса ҳам, номига расмий равишда овоза бўлишни жуда-жуда истардик. ўтган сафар режали сухбат уюштиришга ҳаракат қиларканмиз, осмонга отганимиз танга бир марта «ха», икки марта «йўк» томон билан тушди. Лекин бошқа томондан, бунга сабаб тўртталовимиз ҳам биргаликда ва билган холда тангани бирортамиз ютқазимиздан умид қилиб айлантирганимиз бўлди. Дарҳақиқат, режали сухбат деганлари режали танга отишга айланиб кетди.

Бир кун орамизда гипнозчи бўлиб танилган Сидрат ётоқхонада иккинчи курс талабасини гипноз қилишга уринганда, у талаба ҳам Сидрат буюрган ҳамма нарсани худди сеҳрлангандай бажарди. Боладан ўмбалок ошишни сўралганида, гипнозланган талаба ўз танасини шундай кўттариб урдик, радио, ўтган йиллардаги кинонинг мағлуб бўлмайдиган қақажон кизи – юлдуз Мадхубаланинг рамкали сурати ва хонадаги бошқа бир канча нарсалар асл ва қонуний турган жойидан ўқиб-ўқиб тушди. Биз хатто Кишор Кумарнинг руҳи Мадхубаланинг суратини ўқиб юборганини худди бахтиёрларга ўхшаб, Сидратнинг гипнозчи бўлиб янги қахрамонлик кўрсатганига йўйиб қўя қолдик. Гипнозчи, яна қанақа денг: тан олинган ва тасдиқланган, сеҳргарнинг нақ ўзи! Энг кизиги, бундай кобилиятга эга киши бизнинг биттамиз эди...

Сидрат талабадан классик филмдаги кўшиқни хиргойи қилиб беришни сўради. Хиргойи ҳам хиргойи бўлди-да! Талаба Маннадейнинг «Лага чунри ме даг»ини шу қадар қойилмаком ижро этдики, гипноз қилинган бизми ё у эканини билмай қолдик. Кейин мен унга қуйлагини ечишга буйруқ бердим. У буйруққа жон деб «итоат қиларкан», хотиржам оҳангда бирданига: «ўмбалок ошиш, мумтоз кўшиқ қуйлаш ва қуйлакни ечиш жуда ажойиб экан-а, лекин кўпам хомтама бўлаверманг, ҳозирча шундай, бундан кейин бунақаси кетмайди!» деди. Бу гапга хангу манг бўлиб, унга термулдик. Сидрат ўзича гипноз қиялман деб ўйлаган нарсасига ҳалиги талаба атайин ўзини билмаганга солиб, буйруқларни бажариб тургани энди бизга аён бўлди-қолди. Энг ёмони, бу билан Сидратнинг гипнозчиликдаги мавқеини муддатидан илгари йўққа чиқарди ва махв этди у баччагар!

Бирок, яна бир ихтирочи, топқир оғайнимиз Маниш, ҳуқуқшунослик бўлими талабаси, Сидратнинг инкирозидан кўркувга тушмади. У ўзини одамларнинг юзига қараб ичидагини ўқиш бўйича билимдон деб юрарди. Маниш бундай хунарни эгаллашни келгусидаги ҳуқуқий фаолияти учун зарур деб билармиди, буниси аниқ эмас. Билганимиз шу эдики, у юзига қараб фол очадиган кишиларнинг кўпчилиги унга аллақачон таниш эди.

Бирок, бу сафар энди қовун туширмасликка қарор қилдик. Биз одамларнинг лабига қараб ичидагини топиш бўйича кобилиятни ривожлантиришга қарор қилиб, шу мавзуга

тегишли «ўзинг килиб кўр!» номли китобни сотиб олдик. Шундан сўнг, товуш чиқишига караб, лабларнинг кимирлашини, бурилишларини ўрганишни бошладик. Таажжубки, инсоннинг лаблари сўзларни талаффуз қилганда турфа ҳаракат қилар ва бу ҳаракатларни ўрганиш биз учун ўта қизиқ бир машғулот эди. Бу иш нутқимизни кўриклашнинг яна бир сабаби, дея оқилона ўйладик биз. Шу тариқа лабдан ўқишнинг гаройиб оламига «хужумимиз» бошланиб кетди.

Бир ҳафта давом этган мутолаа ва айрим амалий машғулотлар лабдан ўқиш бўйича ўзимизга ишончни орттирди. Хатто телевизор ўрнатилган умумий хонамизда янгиликлар дастурини кўришда «қар ва соков» бўлиб, бошқа талабаларни ўзимизга жалб этдик. Тез фурсатда ҳеч иккиланмай суҳандоннинг лаб ҳаракатлари ва улар талаффуз этаётган бўғинга караб, синхрон таржима қилишга киришдик. Бир гал телевизорнинг овозини ўчириб, берилаётган филмдаги актёрларнинг лаб ҳаракатларига караб, уларни «гапиртириш»га уриндик. Аммо томошабинлар ковоги уйилиши ҳамоно телевизор овозини яна чиқариб қўйдик.

Ахири лабдан ўқишнинг машини олдик, деган қарорга келдик ва буни текшириб кўрмоқчи бўлдик. Янги эгалланган малакани шу яқин орадаги қахвахонада синашга келишилди.

Коллеж ҳудудидаги қахвахона турли маънодаги учрашув жойи сифатида танилган. Унда талабалар муҳим бўлган имтиҳон ҳақида, муҳимроқ бўлган кўнгил сирлари билан ўртоқлашиш ва ўта муҳим бўлмаган коллеж ҳаёти тўғрисида суҳбатлашишга йигилишади. Шунингдек, бу ўқишга боғлиқ бўлмаган учрашувлар, яъни «қалбимда сизга нисбатан англаб бўлмас туйғулар уйғонди...» деган гапга столнинг нариги томонидан кизарган юз билан жавоб бериш ёки «жуда соз, лекин...» деган жавоблар қулоч ёзадиган ёхуд йигитларнинг кизларга ойни олиб бериш билан боғлиқ қуюқ ваъдалари давом этадиган антика бир жойдир.

Биз атайин қахвахонадаги ёши ўзимиз билан тенг бўлган жуфтликларни синовимиз учун танлаганимиз йўқ, чунки ўзимиз аллақачон гувоҳи бўлган сўзларни лабдан ўқиб олишни истамадик. Шунинг учун 3-4 стол нарида ўтирган ўрта ёшлардаги эркак ва аёлни танладик. Улар бир-бири билан эркин ва қувноқ ҳолда гаплашиб ўтиришарди.

«Хотиржамгина ўтирган жуфтлик» деди орамизда ўзига «юздан ўқувчи» номини берган Маниш. Бу гап бизни ҳалиги эркак ва аёлдан қайрилиб, Манишнинг енгига қарашга мажбур қилди; бир неча кун аввал уни дазмолда қуйдириб олган, натижада тиқувчи бир неча жойидан чатиб тикиб қўйганди.

«Лабдан ўқувчилар учун энг маъқул усул. Қани, энди бошлайлик!», дедим мен синовни ўзим учун ургулагандай оҳангда.

Ҳалиги жуфтлик ҳамон ўзаро бир нималарнидир гаплашиб ўтирар, атрофдаги воқеалар билан иши йўқдай эди.

Еркак аёлга «Мен йигирмани тўғирладим» деб айтди, дея қулди гипнозчиликдан лабдан ўқувчига айланган Сидрат. – Лекин унинг охириги сўзларини эшита олмадим.»

«У балки уйда йигирмата миҳни тўғирлаганини айтгандир» дедим мен ва қулиб юбордим.

«У уйдаги машғулотларга қўшган ҳиссасини айтаётган бўлиши мумкин.» Шундай қилиб, лабдан ўқиш бўйича шунча қилган ҳаракатимиз таҳминга асосланган «балки», «ехтимол»дан нарига ўтмади, жумладан, бояги аёл ва эркакни эр-хотинга ҳам чиқариб қўя қолдик.

Аёл энди эркакнинг сўзига диққат билан қулоқ тутди, сўнг тездан нимадир деб эркакка гапирди.

«У «биринчидан» дея гап бошлади, лекин кейинги сўзларини илгай олмадим» деди бизнинг лабдан ўқувчимиз. – Эхтимол, у «ўша пайтда» деган сўзни ишлатди.»

Енгилишни истамаганим учун унинг гапини бўлдим: «Балки аёл эркакка биринчи гал учрашувда каттик хаяжонлангани учун танбех бераётгандир.» «Балки», «ехтимол» деган сўзлар шерикларим олдида мени уялишдан кутқарарди.

«Бўлиши мумкин...», пичирлашди Сидрат билан Маниш фикримга кўшилгандай.

Жуфтлик суҳбатини тугатиб, кахва учун офитсиантга пул тўлади ва секин ўрнидан кўзгалди. Столимиз олдидан ўтаркан, эркак бизга якинрок келди ва шундай деди: «Бизнинг сўзимизнинг баъзисини тўғри англадингиз, факат баъзисини холос. Яъни мен уйда йигирмата миҳни тўғирладим, деганим йўк. Мен бугун ўзимни йигирма ёшга яшаргандай хис қиляпман, дедим.»

«Мен хам унга танбех бермаётгандим, кўшилди аёл кулимсираб, - мен унга йигирма йилча аввал биринчи марта мана шу кахвахонада учрашгандик, деб айтаётгандим. Сиз бўлса, мен фикрингизни ўқиғунимча, айтмоқчи бўлганимни билишни истадингиз.»

Еркак шундай деб гапини тугатди: «Бизлар уччига чиккан лабдан ўқувчилармиз. Омон бўлинг!»

Инглизчадан Аъзам Обидов ўғирди